2008 ЙИЛ, 4 АПРЕЛЬ, ЖУМА



# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 65 (11.126) Баҳоси эркин нархда

## ТИНЧЛИК, ХАВФСИЗЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 3 АПРЕЛЬ КУНИ БУХАРЕСТДА НАТО/ЕВРОАТЛАНТИКА ҲАМКОРЛИК КЕНГАШИ САММИТИДА ИШТИРОК ЭТДИ.**

Бу ерда Евроатлантика ҳамкорлик кенгашига аъзо мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда минтақавий ва халқаро хавфсизликни таъминлаш йўлида кўп томонлама ҳамкорлик, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистон 1994 йилдан буён НАТО билан «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борада йўлга қўйилган алоқалар халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида тажриба алмашишда муҳим аҳамият касб этмоқда, шунингдек, халқаро терроризм, диний экстремизм, наркотрафик, трансмиллий уюшган жиноятчилик каби хавфсизликка янги таҳдид ва хатарларга, оммавий қирғин қуроллари тарқалишига қарши курашишга кўмаклашмоқда.

Мамлакатимиз вакиллари кейинги етти йил давомида "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастурининг 400 дан ортиқ тадбирида иштирок этди.

Ўзбекистон илм-фан вакиллари илмий ҳамкорлик доирасида НАТОнинг "Илм-фан орқали хавфсизлик сари" дастурида иштирок этмоқда. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда юздан зиёд илмий-техник лойиҳа амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти саммитдаги нутқида, "НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда, — деб таъкидлади. — Ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши – СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилидир". Давлатимиз раҳбари НАТО билан амалий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини қайд этди.

Президент Ислом Каримов саммит қатнашчиларини кенг кўламли халқаро ҳамкорликка, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида аниқ амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга чақирди. Бугунги кунда халқаро ташкилотлар ва айрим мамлакатлар ушбу йўналишда муайян ишларни амалга оширмоқда. Бироқ бу ҳали етарли эмас. Афғонистон жаҳон ҳамжамияти учун ҳали-ҳануз таҳдидлар ўчоғи бўлиб қолмоқда. Аслини олганда, ҳеч бир минтақа ёки мамлакат ўзини терроризм хавфидан бутунлай холи, деб ҳисоблай олмайди. Ушбу бало-қазо бирон бир минтақа ёхуд мамлакатга кириб бормаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Президент Ислом Каримов Афғонистонда фақат ҳарбий йўл билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслигини доимо таъкидлаб келади. Дарҳақиқат, 30 йилдан буён тинчлик нималигини билмай келаётган мамлакатда қурол билан барқарорлик ўрнатиб бўлмайди. Бунда аҳолини қуролсизлантириш, тинч ҳаётга йўналтириш, одамларда бунёдкорлик ҳиссини уйғотиш, ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, ислоҳотларни босқичма-босқич олиб бориш ва амалий самаралар беришига эришиш муҳим аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти саммит иштирокчиларини 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокара жараёнини қайта тиклашга даъват этди. Ушбу мулоқот гуруҳи Афғонистонда вазиятни барқарорлаштириш бўйича ягона халқаро амалий механизм эди. Унинг доирасида кўп томонлама дипломатиянинг ноёб тажрибаси тўпланган, мазкур муаммо юзасидан умумий принцип ва ягона ёндашувлар ишлаб чиқилган эди. Аммо 2001 йилда халқаро коалиция томонидан терроризмга қарши операция бошлангани муносабати билан мазкур гуруҳнинг фаолияти сусайди.

Ислом Каримов ҳозирги воқеликни ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси албатта иштирок этишини ҳисобга олган ҳолда, «6+2» гуруҳини «6+3» гуруҳига айлантиришни таклиф этди.

Шуни яна бир бор таъкидлаш жоизки, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бир-бири билан узвий боғлиқдир. Хавфсизлик ҳамкорлик орқали таъминланади, ҳамкорлик эса хавфсизлик таъминлангандагина ривожланади. Бу жиҳатдан Бухарест саммити қатнашчиларининг фикрлари ҳамоҳангдир.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАТО/СЕАП САММИТИДАГИ НУТҚИ

**(2008 йил 3 апрель)**

*Муҳтарам Раис жаноблари!*

*Ҳурматли давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари!*

*Хонимлар ва жаноблар!*

*Ижозатингиз билан Ўзбекистоннинг НАТО билан "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасидаги ҳамкорлик истиқболлари, шунингдек, Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ўз қарашларимизга доир масалалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.*

*НАТОнинг тобора сиёсий тузилма шаклини олаётгани бугунги кунда ҳақиқатга айланмоқда ва бу, ўз навбатида, Евроатлантика ҳамкорлик кенгаши – СЕАПни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашнинг яхши омилидир.*

*Ушбу жараёнда мамлакатимизнинг истиқболда НАТО билан амалий ҳамкорлик дастури хавфсизликни таъминлаш ва мудофаа қурилиши, экология ва гуманитар соҳадаги тадбирлар билан бир қаторда демократик янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ва фуқаролик институтларини мустаҳкамлаш ҳамда ўзаро манфаатли бошқа йўналишларда ҳамкорликни ҳам ўз ичига олиши мумкин.*

*Ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, халқаро терроризмга, наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш масалалари, шубҳасиз, ҳамкорликнинг устувор йўналиши бўлиб қолиши даркор.*

*Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон НАТО билан Ноҳарбий юкларни ўз ҳудуди Термиз-Ҳайратон чегара узели орқали етказиб бериш коридори ва транзитини таъминлаш тўғрисидаги битимни муҳокама қилиш ва имзолашга тайёр эканини айтмоқчиман. Бу Афғонистон билан боғловчи ягона темир йўлдир.*

*Бунда мамлакатимизнинг хавфсизлиги ва қонунчилигини таъминлаш бўйича суверен манфаатларига риоя қилиниши лозим.*

*Бўлажак битимга жорий йилнинг 4 мартида Ўзбекистон билан Германия ўртасида имзоланган Бундесвер юкларини мамлакатимиз ҳудудидан темир йўл орқали ташиш бўйича келишувни асос қилиб олиш мумкин.*

*Биз Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бутун Марказий Осиё минтақасини барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳаётий муҳим муаммоларни ечиш учун катта имкониятлар очиб берадиган хавфсизликнинг ҳал қилувчи омили эканини яхши англаймиз.*

*Бундан бошқа йўл йўқ. Негаки, ушбу мамлакатда зиддиятларнинг кучайиб бориши, кескинлик ва терроризм кўламининг кенгайиши глобал хавфсизлик ва халқаро барқарорлик учун жиддий таҳдид солмоқда.*

*Биз қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши Афғонистондаги вазиятга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ҳисоблаймиз.*

***Биринчидан** – ғоят муҳим ҳаётий ижтимоий ва иқтисодий муаммоларни, аҳоли бандлиги, ҳокимиятнинг вертикал бошқаруви ва нуфузини мустаҳкамлаш муаммоларини ҳал этишни таъминлаш ниҳоятда устувор аҳамиятга эга.*

*Бунда биз энг асосий вазифа – аҳолининг халқаро коалиция кучларига бўлган ишончини қозониш йўлини кўрамиз.*

*Айни пайтда буларнинг барчаси жангариларни молиялашнинг асосий манбаи бўлмиш наркотиклар ишлаб чиқариш ва етказиб беришга қарши курашиш муаммосини ҳал этишда кучли омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.*

***Иккинчидан** – кўпмиллатли Афғонистон халқининг анъанавий диний, миллий-маданий қадриятлари ва урф-одатларини ҳурмат қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш, кам сонли миллатлар манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш.*

*Нафақат Афғонистон, балки бутун мусулмон оламида тоқат қилиб бўлмайдиган вазият ва кескинликка сабаб бўлаётган ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор.*

***Учинчидан** – давлат ва жамият қурилиши, фуқаролик институтларини шакллантириш борасида ислоҳотларнинг босқичма-босқич ва изчил амалга оширилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Бунда, биринчи навбатда, Афғонистонда сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонликка эришиш ислоҳотлар муваффақиятининг муҳим кафолати эканини эътиборга олиш зарур.*

***Тўртинчидан** — қўшни Покистон раҳбарияти ва ҳукумати билан биргаликда чегара муаммоларини, аввало Вазиристон ҳудудида ҳал этиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш учун муҳим аҳамият касб этади.*

***Бешинчидан** — 1997-2001 йилларда БМТ кўмагида самарали фаолият кўрсатган, Афғонистон билан қўшни давлатлар, Америка Қўшма Штатлари ва Россиянинг ваколатли вакилларидан ташкил топган «6+2» мулоқот гуруҳи доирасида Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш бўйича музокаралар жараёнини қайта тиклаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.*

*Ушбу мулоқот гуруҳи томонидан БМТ шафелигида Афғонистон муаммосини ҳал этиш юзасидан гуруҳга аъзо давлатларнинг умумий принциплари ва ягона ёндашувлари ишлаб чиқилди, 1999 йил июлда Тошкентда қарама-қарши томонларнинг учрашуви ташкил этилди ва ўтказилди, «Афғонистондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида»ги Тошкент декларацияси қабул қилинди. БМТ Хавфсизлик кенгаши Тошкент учрашуви якунларини афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этди ва ушбу декларация асосида тегишли қарор қабул қилди.*

*2001 йилгача фаолият кўрсатган "6+2" мулоқот гуруҳини ҳозирги воқеликни инобатга олган ҳолда ва музокаралар жараёнида НАТО ваколатхонаси ҳам албатта иштирок этишини назарда тутиб, "6+2"ни "6+3" гуруҳига айлантириш зарур, деб ҳисоблаймиз.*

*Барча манфаатдор томонлар иштирокида Афғонистон бўйича кенг қамровли режани ишлаб чиқишда ушбу таклифларни эътиборга олиш Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш жараёнига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ўйлайман.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ҚАРОРИ*

## ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жаҳон цивилизацияси ривожига улкан ҳисса қўшган, ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган халқимизнинг ғурур-ифтихори бўлмиш азим пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг миллий давлатчилигимиз тарихида ва ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

Қадимдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини пойтахтимизнинг юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада кучайтириш мақсадида:

1.ЮНЕСКО Бош конференциясининг 2007 йил 2 ноябрдаги 34-сессиясида Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлаш ва юбилей тадбирларида ЮНЕСКОнинг иштирок этиши ҳақидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ижодий уюшмалар ва кенг жамоатчиликнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини 2009 йилнинг май ойида кенг нишонлаш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

3.Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва юбилей тадбирларини ўтказиш бўйича республика ташкилий қўмитаси таркиби 1-иловага, комплекс чора-тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4.Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Тошкент шаҳридаги тарихий обидалар, ёдгорлик ва қадамжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш, янги замонавий объектлар қуриш, шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантиришга доир тадбирлар режасини 3-иловага мувофиқ амалга оширсин.

5.Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси иштирокида Тошкент шаҳрида 2009 йилнинг март ойида "Тошкентнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган ўрни" мавзусида халқаро илмий конференцияни ташкил этиш, мамлакатимиз ва чет элдаги таниқли олим ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, уни ҳар томонлама юксак савияда ўтказиш, конференция материалларини чоп этиш ва анжуманни кенг ёритиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

6.Ташкилий қўмита (Ш.Мирзиёев)га қуйидаги вазифалар топширилсин:

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан пойтахтда кенг кўламли бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини олиб бориш;

мавжуд тарихий обидалар ва ёдгорликларни юқори малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда ўрганиш, қайта тиклаш ва таъмирлаш бўйича амалий чоралар кўриш;

тарихий-маданий аҳамиятга эга иншоотларни таъмирлаш ишларини уларнинг асл қиёфасига мос тарзда белгиланган меъморий талаблар асосида амалга ошириш;

Тошкент шаҳрининг тарихи, бой маданий мероси ва унинг бугунги ҳаётини Ўзбекистонда ва хорижий мамлакатларда тарғиб этиш бўйича тадбирларни ташкил этиш;

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган байрам тантаналарини юксак савияда ўтказиш.

7."Ўзбектуризм" миллий компанияси, бир ой муддатда, халқаро туристик ташкилотлар билан биргаликда, Тошкент шаҳрининг тарихий-меъморий обидаларини, зиёратгоҳ ва табиий жиҳатдан эътиборга молик масканларини кенг тарғиб этиш юзасидан чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

8.Юбилей муносабати билан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган объектларни белгиланган муддатда бажариш ва фойдаланишга топшириш учун уларнинг лойиҳалаш ва қурилиш ишларини истисно тариқасида бир вақтда амалга оширишга рухсат берилсин.

9.Юбилей муносабати билан қуриладиган ва реконструкция қилинадиган бино ва иншоотлар учун хориждан келтириладиган қурилиш материаллари ҳамда асбоб-ускуналар Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхат асосида божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви тўловларидан ташқари) озод қилинсин.

10.Тошкент шаҳар ҳокимлигига:

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга доир тадбирларни амалга оширишда ҳомий сифатида қатнашиш истагини билдирган нодавлат ва жамоат ташкилотлари, хорижий ва халқаро тузилмаларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун зарур маблағларни тўплаш мақсадида махсус ҳисоб рақамини очиш ҳамда маблағларни аниқ йўналтирилган тарзда сарфлаш;

юбилей муносабати билан объектларни таъмирлаш, қайта тиклаш ва қуриш ишларини белгиланган муддатда сифатли амалга ошириш вазифаси топширилсин.

11.Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

12.Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2008 йил 2 апрель*

## XXI АСР САДОСИ

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Қўқон шаҳар ҳокимлиги Юртбошимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Хўқандий мавзесини «Ёшлар шаҳарчаси»га айлантириш ташаббуси билан чиқди. Йил бошида бошланган бу хайрли тадбирни амалга ошириш учун тадбиркорлар, ишбилармонлар, қурувчилар ўртасида танлов эълон қилинди.**

**● Навоий вилоятида «Хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантиришда банкларнинг ўрни» мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Унда ишбилармон аёлларнинг банклар билан ҳамкорлиги ҳақида сўз борди.**

**● Урганч шаҳридаги Санъат гимназиясида вилоятдаги коллежлар талаба-қизлари ўртасида «Ёшлик гулшани» танлови ўтказилди. Фан ва таълим ходимлари касаба уюшмаси ташкилоти вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу танловда шаҳар ва туман босқичларида ғолиб бўлган 11 нафар иқтидорли қиз спорт, санъат, пазандачилик каби олтита йўналиш бўйича беллашди.**

**● Хўжайлида 180 нафар ўқувчига мўлжалланган, 12 та замонавий синф хоналарига эга махсус мактаб-интернат ишга тушди. Унда 50 ўринли ётоқхона, намунали кутубхона, мажлислар зали ва ўқувчилар мустақил дарс тайёрлайдиган бўлинмалар мавжуд.**

**● Самарқанд шаҳрининг Саттепа мавзесида Самарқанд давлат университети қошидаги 720 ўринли 9-сон академик лицей қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Лойиҳа қиймати 2 миллиард 752 миллион сўмни ташкил этувчи замонавий академик лицейнинг янги биносини мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.**

**●Наврўз шукуҳи давом этаётган шу кунларда Тошкент туманида яна бир таълим муассасаси қад ростлади. «Кўксарой» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида қурилиш ва коммунал хизмат касб-ҳунар коллежи ёшлар ихтиёрига топширилди.**

**● Ангрен шаҳар ҳокимлигида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг вилоят филиали ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида «Хусусий уй-жой мулкдорлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзаро ҳамкорлиги: муаммо ва ечимлар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

**● Мамлакатимизда ўн олтинчи бор ўтказилган япон тили нотиқлик санъати танловининг республика босқичига Самарқанд шаҳри мезбонлик қилди. Самарқанд шаҳрининг муҳташам «Концертлар зали»да ўтказилган ушбу танловда республикамизнинг қатор вилоятларидан 23 нафар япон тилининг билимдон ёшлари иштирок этди.**

### ЖАҲОНДА

**● Бугун Бухарестда ўтказиладиган Россия-НАТО саммитида Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин иштирок этади.**

**● Икки кун фаолият кўрсатиб кеча ўз ишини якунлаган НАТО саммити ушбу ташкилотга қабул қилинадиган аъзолар юзасидан қатъий тўхтамга келди. Хусусан, Албания ва Хорватия НАТО аъзолигига қабул қилинган бўлса, Македония Греция билан ўзаро тортишувларни ҳал этгунига қадар кутадиган бўлди. Украина ва Грузияни эса келгусида НАТОга қабул қилиш юзасидан консультациялар ўтказиб борилади.**

**● Индиана штатининг ОАВ ассоциацияси АҚШ Президентлигига номзод Барак Обама ва Хиллари Клинтонга Индианада 6 майда бўлиб ўтиши белгиланган праймериз арафасида ушбу штатда юзма-юз дебатда қатнашишни таклиф этди. Дебатларни 24 апрелда ўтказиш мўлжалланмоқда, бироқ номзодларнинг истакларидан келиб чиққан ҳолда муддатни ўзгартириш мумкин.**

**● Венесуэла парламенти хорижий компаниялар учун 60 фоиз ставкали нефть солиғини қўллаш тўғрисидаги қонун лойиҳасини маъқуллади.**

**● Суринам маъмурлари 19 кишининг ҳаётига зомин бўлган Ан-28 русумли самолёт ҳалокати юзасидан текширув ишларини бошлашди.**

**● Кеча Жанубий Африка Республикасида рўй берган улкан автомобиль ҳалокати оқибатида 17 киши ҳаётдан кўз юмди.**

**● «Пекин-2008» Олимпиадаси машъаласи кеча Туркия ҳудудидан олиб ўтилди ва бугун у Санкт-Петербург шаҳрига етказилади.**

**● АР агентлигининг хабар беришича, Афғонистон полицияси «Толибон» ҳаракатининг дала командирларидан бири бўлган Мулла Нақибуллани қўлга олди. Гап шундаки, полиция кийимидаги жангарилар гуруҳи Нақибулла етакчилигида Лашкар-Га шаҳрида полициячиларга ҳужум уюштирган. Жанг натижасида 3 жангари ўлдирилган, яраланган Нақибулла эса қўлга олинган. Икки полиция хизматчиси ҳам жароҳатланган.**

**● Британия олимлари бундан 1,2 миллиард йил муқаддам Шотландиянинг шимоли-ғарбий қисмига улкан метеорит қулаган деган хулосага келишди. Яъни Оксфорд университети ва Абердин университети мутахассис-олимлари Шотландиянинг Уллану шаҳри ғайритабиий тоғ жинсларини тадқиқ қилганлари натижасида шундай фикр юзага келди.**

**УЧ КУН ДАВОМИДА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИНИНГ МАРКАЗИЙ КЎРГАЗМАЛАР ЗАЛИДА «ҚУРИЛИШ, БЕЗАКЛАР, ЁРИТИШ ЖИҲОЗЛАРИ, ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲАМДА ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИ ИНДУСТРИЯСИ — «INTERNATIONAL UNITECH EXPO — 2008» ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ ИШ ЮРИТМОҚДА.**

*Кўргазмалар*

## ҲАМКОРЛИК УЧУН ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛДИ





Мазкур кўргазмада Туркия давлати ҳамда юртимизда фаолият юритаётган 30 га яқин компания ва фирмалар ўзларида ишлаб чиқарилаётган энг замонавий, сифатли, кўркам, қулай маҳсулот намуналари ҳамда хизмат кўрсатиш турлари билан иштирок этмоқда. Халқаро кўргазмани ташкил этишдан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакатимиз қурилиш соҳасини янада ривожлантириш мақсадида хорижий инвестицияларни кенгроқ жалб қилишда кўмаклашиш, импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тайёрланишини йўлга қўйишдир. Бу борада Президентимиз Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида алоҳида тўхталиб, «Мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш—бу нафақат хорижий шериклар билан ҳамкорликда янги, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириши, айни пайтда — бу аввало янги замонавий техника, дастгоҳ ва ускуналар, технология ва ноухауларни жорий этиш, шу асосда ишлаб чиқарадиган маҳсулотларимизнинг юксак сифатини таъминлашга қаратилган» деб таъкидлаган эдилар.

Марказий кўргазмалар залидан ўрин олган қурилиш соҳасидаги энг сўнгги янгиликлар, эшик-ромлар, замонавий қадоқлаш ускуналари, илғор технологиялар, аксессуарлар, кабеллар ва албатта, бежирим, кўркам уй-жой буюмларининг намуналари кўргазмага ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

—Кўргазмаларда фойдали мулоқотлар ўтказилиб, кўплаб шартномалар тузилади, —дейди «FRT FAVORIT MEBEL» масъулияти чекланган жамияти бошқаруви раиси Улуғбек Раҳмонбердиев. — Корхонамиз жамоаси ишлаб чиқариш фаолиятидан ташқари, бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда туркиялик ҳамкорлар билан тузилган ўзаро манфаатли шартномага кўра сифатли қурилиш ашёларини келтириш ишларини ҳам амалга оширди. Бу лойиҳани яқинда Туркияда амалга ошириб қайтдик. Бугун эса кўргазмада яна кўплаб ҳамкорлар лойиҳалари устида ишлаш имконияти яратилганининг гувоҳи бўлмоқдамиз ва бу келгусида жуда яхши самаралар беришига ишонаман.

Тадбир давомида туркиялик ишбилармонлар билан суҳбатлашганимизда улар юртимизда барча соҳаларда юз бераётган ижобий ўзгаришлардан яхши хабардор эканликларини, айниқса, Ўзбекистондаги қулай сармоявий муҳит, етарли хом ашё, малакали ишчи кучи тадбиркорлик билан иш юритиб қўшма корхоналар сафини оширишга хизмат қилишини таъкидлашди.

Муҳими, кўргазма давомида келгусида истиқболли лойиҳаларни ҳамкорликда амалга ошириш учун қатор келишув ҳамда битимлар тузилди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**
**Наталья Семёнова олган суратлар**

*Маънавият*

## МАШҒУЛОТЛАР ҲАМ ЎТКАЗИЛМОҚДА

**ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ 1992 ЙИЛИ ҲУКУМАТИМИЗНИНГ ҚАРОРИГА МУВОФИҚ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЭДИ.**

Мамлакатимизнинг йирик илмий-тадқиқот, маданий-маърифий марказига айланган бу музей беш мингга яқин ноёб экспонатларга эга. Улар Ўзбекистон халқининг энг қадимги даврларидан бугунги кунгача бўлган катта тарихидан ҳикоя қилади. Бундан беш йил муқаддам музейнинг расман очилиши бўлди. Ўша куни Президентимиз Ислом Каримов музейга ташриф буюрди. Экспозициялар билан танишар экан, давлатимиз раҳбари бу ердаги ҳужжат ва осори-атиқалар нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик қизиқиб томоша қиладиган, ўрганадиган ҳамда жаҳон аҳли тарихимизни эътироф этадиган даражада мукаммал бўлиши зарурлигига эътиборни қаратди.

Бугунги кунда музей Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида фаолият кўрсатиб, ўз экспонатларини янгилари билан бойитиб бормоқда. Бу ердаги экспонатлар ҳақида видео ва ҳужжатли фильмлар яратилди.

Халқ тарихининг кўзгуси бўлиши мазкур музей ёшлар учун ҳам маърифий масканга айланди. Бу ерда талабалар, ўқувчилар учун Ўзбекистон тарихини ўрганиш машғулотлари ҳам ташкил этилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

## ЁШЛАР МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНДИ

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИДА ЁШЛАР ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИГА БАҒИШЛАНГАН ДАВРА СУҲБАТИ ЎТКАЗИЛДИ.**

2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши муносабати билан ёшларга оид қонунчиликни янада ривожлантириш ва такомиллаштириш давлат, жамият олдидаги долзарб масала сифатида белгиланган. Ушбу вазифа энг аввало, ёшлар билан ишловчи, уларнинг муаммолари устида тадқиқотлар олиб борувчи муассасалар учун ўта муҳимдир.

Ўз фаолият ва мақсадига кўра, Тошкент Давлат юридик институти ҳам ёшларга оид қонунчилик муаммолари билан бевосита шуғулланадиган таълим муассасалари таркибига киради.

Тадбирда ёшларнинг энг муҳим ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларидан бўлган касб-ҳунар ўрганиш, ўз салоҳияти ва қобилиятига яраша меҳнат қилиш ҳуқуқларини янада кенгайтириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, давра суҳбатида бозор муносабатлари тобора чуқурлашиб ва ривожланиб бораётган шароитда ёшларнинг меҳнат ҳуқуқларини, уларнинг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қонунчилик нормаларини таҳлил қилиш, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларни аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилиш масалалари бўйича фикр алмашинилди.

Бундан ташқари, ёшлар орасида маънавий-маърифий тадбирлар кўламини кенгайтириш, иқтидорли ўғил-қизларни жамиятдаги фаоллигини янада ошириш борасида бир қатор вазифалар белгилаб олинди.

Анжуман давомида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчилигининг ёшларга оид нормаларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида аниқ таклифлар илгари сурилди.

## ТАДБИРКОРЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

**БМТНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ ВАКОЛАТХОНАСИ «ТАШАББУС-2008» ТАНЛОВИДА ҒОЛИБЛИКНИ ҚЎЛГА КИРИТГАН БИР ГУРУҲ ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРНИ ТАҚДИРЛАДИ.**

Танловнинг «Энг яхши ёш тадбиркор» номинацияси бўйича ғолиби тошкентлик Дилдора Авезова, «Энг яхши хусусий тадбиркор» деб топилган андижонлик Умидилло Ўтаганов ва «Энг яхши тадбиркор» номинациясининг учта ўрнига сазовор бўлган Анвар Назиров, Нурилло Раҳматуллаев ҳамда Абдуқундуз Юнусовлар мукофотланди.

Лойиҳа менежери Шавкат Жўрабоевнинг таъкидича, «Энг яхши ёш тадбиркор» номинациясининг ғолиби Европа мамлакатларининг бирида ўз малакасини ошириш имкониятига эга бўлади. Қолган ғолиблар ҳам ишлаб чиқариш борасидаги билимларини ошириш учун лойиҳа ташаббускорлари томонидан ташкил этилган ёзги мактабга таклиф этилади.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад эса, мамлакатда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, жамоатчилик билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, асосийси тадбиркор ва ишбилармонларнинг хориж тажрибасидан баҳраманд бўлишларига қулай шароит яратишдан иборатдир.

## ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК

**ЭРКИН ВА ЮНОН-РУМ КУРАШИ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЮРТИМИЗ ЁШ ПОЛВОНЛАРИ САМАРҚАНДДА ЎТКАЗИЛГАН ХАЛҚАРО ГРАН-ПРИ ТУРНИРИДА САРАЛАНДИ. ТЎРТИНЧИ БОР ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МУСОБАҚАДА РОССИЯ ВА ҚОЗОҒИСТОН ПОЛВОНЛАРИ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Ўтган мавсумда Халқаро ҳаваскор курашчилар ассоциацияси томонидан гран-при мақоми берилган "Самарқанд кубоги" турнирига бу йил ҳам Фила кузатувчилари ташриф буюрди. Мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 1991-1993 йилларда туғилган ёш полвонлар қўшни республикаларнинг етакчи спортчиларига муносиб қаршилик кўрсата олишди. Жумладан юнон-рум курашида мезбон Оятилла Абдуллаев финалда Россия чемпиони Людовика Весисиянни соф ғалаба билан енгиб 85 килограмм вазн тоифасида чемпион бўлди. Самарқандликларнинг яна бир вакили Сердор Қорёғдиев 63 килограммда қозоғистонлик тенгдошининг курагини ерга текказди. Эркин курашда мухлислар Акмал Ҳожиевнинг қўшни мамлакат вакили Алексей Тиргулин устидан эришган муваффақиятини олқишлар билан кутиб олишди. Умумжамоа ҳисобида энг кўп медалларга мезбонлар сазовор бўлишди.

Энди мураббийларимиз турнирда эътиборга тушган истеъдодли ёшларни термага жалб этиб, ёз фаслида Тошкентда ўтказиладиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўришади.

**"Туркистон-пресс"**

**ДЕҲЛИ ШАҲРИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ҲИНДИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ҲАМКОРЛИК БЎЙИЧА ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯНИНГ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЙЎНАЛИШИДАГИ ИШЧИ ГУРУҲИ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Унда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ҳиндистон университети қошидаги Жавоҳарлал Неру номидаги Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказида 2006 йилдан буён беш юздан ортиқ мутахассис таҳсил олди. Уларга Ҳиндистоннинг нуфузли CDAC компанияси халқаро сертификатлари топширилди.

Ишчи гуруҳи аъзоларининг ўзаро мулоқотлари чоғида Ўзбекистон делегацияси томонидан ахборот дастурлари муҳандислари, хусусан, Ўзбекистон-Ҳиндистон ахборот технологиялари марказини битириб чиқаётган ёш мутахас-

## ЎЗБЕКИСТОН — ҲИНДИСТОН: АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗАРО АЛОҚА ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республикаси алоқа ва ахборот технологиялари вазирлиги мутахассислари, шунингдек икки мамлакатнинг ушбу соҳада фаолият юритаётган етакчи компаниялари вакиллари ўзаро манфаатли ҳамкорлик истиқболларини муҳокама этди. Ҳукуматлараро комиссиянинг 2007 йил Тошкентда бўлиб ўтган 7-мажлисида қабул қилинган ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш, шунингдек жорий йилда ўтказилиши режалаштирилаётган навбатдаги мажлис кун тартибига киритиш учун амалий таклифлар тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айтиш жоизки, ахборот технологиялари бугунги кунда мамлакатларимиз ҳамкорлиги кўламида салмоқли ўринни эгаллаб бораяпти. Ҳар йили Ҳиндистон ҳукумати грантлари асосида ўзбекистонлик 120 нафар мутахассис Деҳлида ҳамда ушбу мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ахборот технологиялари курсларида ўқиб қайтишяпти. Шунингдек, Тошкент ахборот технологиялари сисларнинг Ҳиндистондаги етакчи компанияларда малака оширишини ташкил этиш, шунингдек бу йўналишда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари ўрганиб чиқилди.

Бундан ташқари, шу кунларда мамлакатимиз делегациясининг бир гуруҳ аъзолари Ҳайдаробод шаҳрида ташкил этилган «India Soft» («Ҳиндистон Софт — 2008») халқаро кўргазмаси ва шу мавзудаги конференцияда иштирок этди.

— Мазкур тадбирлар доирасида Ҳиндистоннинг бир неча етакчи компаниялари билан музокаралар олиб бордик, — дейди Тошкентдаги «Интеллижент Солюшнс» компанияси лойиҳалар бўйича менежери Икром Алимов. – Банк ва улгуржи савдо соҳалари учун янги илғор ахборот дастурларини биргаликда ишлаб чиқишга келишиб олингани мазкур мулоқотларимизнинг самараларидан бўлди.

**Садриддин СУЯРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**
**Деҳли**

*"МИКРОКРЕДИТБАНК":*

## ХИЗМАТ ТУРЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

**"МИКРОКРЕДИТБАНК" АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида банк-молия тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Ҳозирги кунда 33 мингдан ортиқ акциядорга эга «Микрокредитбанк» ўзининг саксонга яқин филиали ва 270 минибанки орқали аҳолига кўплаб турдаги банк хизматлари кўрсатмоқда.

"Микрокредитбанк" бошқаруви раиси Ж.Сайфуддиновнинг таъкидлашича, хусусий бизнесни рағбатлантиришда молиявий ёрдам кўрсатишга ихтисослашган мазкур банк томонидан 2007 йилда тадбиркорларга 56 миллиард сўмлик кредит берилган. Бу 2006 йилдагига нисбатан 2,2 баробар кўп демакдир. Ана шундай ёрдамлар туфайли 40 мингдан ортиқ янги иш ўрни очилди.

Банк Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда Жиззах, Навоий, Самарқанд, Наманган, Фарғона вилоятларида фаолият юритаётган фермер аёлларга, айниқса, фаол микромолиявий хизматлар кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда банклар ўртасида соғлом рақобатнинг кучайиши уларни ўз мижозлари учун янгидан-янги қулайликларни тезкор жорий этишга ундайди. «Микрокредитбанк»нинг хизмат доираси ҳам кундан-кунга кенгайиб бораётир. Бунда аҳоли ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг турли хил молиявий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган истеъмол кредити муҳим ўрин тутади.

Шу мақсадда салкам 8,5 минг оилага имтиёзли микрокредитлар ажратилди. Шунингдек, уй-рўзғор жиҳозлари ва маиший техника воситалари сотиб олиш, тўй маросимларини ўтказиш учун беш миллиард сўмлик имтиёзли истеъмол кредитлари берилди.

Президентимизнинг 2007 йил 21 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори жойларда аҳолига замонавий ва сифатли сервис хизмати турларини кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир. Банк 2007 йилда ушбу мақсадда 7,6 миллиард сўм миқдорида хизматлар кўрсатди.

Ўтган йили банк томонидан халқаро молия институтларининг имтиёзли кредит линиялари ва грантларини жалб этиш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, БМТ Ривожланиш дастури билан ҳамкорликда Тошкент вилоятининг икки туманида кичик грантлар бўйича ажратилган маблағ тўлиқ ўзлаштирилди.

Тадбирда банкнинг мамлакатимизда бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, аҳолига кўрсатилаётган банк хизмати турларини янада кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда оилалар учун ишончли даромад манбалари яратиш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришга доир вазифалари белгилаб олинди.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

*Тадбирлар*

## МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ТИНЧЛИГИ ЙЎЛИДА

**МАМЛАКАТИМИЗДА МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИК, МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ, ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ БИР МЕЪЁРДА РИВОЖЛАНИШИ, МАМЛАКАТ МАЪНАВИЙ, ИЖТИМОИЙ, ИҚТИСОДИЙ, СИЁСИЙ МУҲИТИНИНГ СОҒЛОМЛИГИ ХАЛҚ ОРЗУ-УМИДЛАРИ БИЛАН ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УЙҒУНЛИГИ НАТИЖАСИДИР.**

Яқинда «Фотон» Акционерлик жамиятида бўлиб ўтган «Мамлакат тараққиёти, тинчлиги ва юксалиши йўлида» деб номланган тадбирда ҳам айнан шу масалаларга эътибор қаратилди.

Тадбирни «Фотон» АЖ директори Табрив Жалилов кириш сўзи билан очар экан, Ўзбекистондай жаннатмакон гўшада истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаронинг энг аввало ўз юртини, халқини, динини, урф-одатлари, анъана ва қадриятларини қадрлаши, тинчлиги ва осойишталиги учун ўзини жавобгар сезиши, юксалиши ва тараққий этиши йўлида астойдил меҳнат қилиши инсонийлик бурчи эканлигини таъкидлаб ўтиш баробарида, бундай мавзудаги тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш кишиларнинг онг ва тафаккурини янада теранлаштиришини, уларнинг маданий, маънавий, сиёсий, диний ва ҳуқуқий тушунчаларини бойитиши йўлида хизмат қилишини таъкидлади.

Шунингдек, тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг масъул ходими Уйғун Ғафуров, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти Нодир Жўраев йиғилганлар билан очиқ мулоқотда бўлдилар.

Жумладан, улар ўз сўзларида мамлакатимизда том маънода ҳар томонлама, барқарор тараққиётни таъминлаб туриш, халқ манфаати йўлида бирлашиш одамлар онги ва дунёқарашини руҳий-маънавий жиҳатдан янада теранлаштириши, мамлакатлараро сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш жамият тараққиётини тараққий эттиришини таъкидлаб, маънавий муҳитнинг соғломлигини таъминлаш, терроризмнинг хавфли илдизларига зарба бериш, динни тўғри тарғиб қилиш, ёшларимизнинг турли хил оқимларга кириб кетишига йўл қўймаслик бугунги куннинг долзарб масалаларидан эканлигини қайд этдилар.

Тадбир сўнгида Маънавият тарғибот марказининг Миробод туман бўлими раҳбари Садаф Душаева Наврўз умумхалқ байрами билан боғлиқ анъаналар, қадриятлар ва урф-одатлар, унинг замиридаги ўзига хос, такрорланмас эзгуликка йўғрилган саховатли, хайрли ишлар ҳақида гапирди. Шунингдек, одамлар кўнглини кўтариш, қариялар, ночор, ногирон ва етимлар ҳолидан хабар олиш, беморлар дардини бир оз бўлсада аритиш каби холис йўналишларни жамлаб олган байрамнинг бир ой давомида давом этиши билан боғлиқ режалар ҳақида йиғилганларга батафсил маълумот берди.

Мулоҳазали, мушоҳадали фикрларга, савол ва жавобларга бой тарзда мароқли якунланган тадбир барча иштирокчиларда бирдай яхши таассурот қолдирди. Бундай тадбирларни тез-тез ўтказиб туриш режага киритилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИДА КАТТА СПОРТ БАЙРАМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ШУ КУНИ БЕЛБОҒЛИ КУРАШ БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ШУНИНГДЕК, РЕКТОР СОВРИНИ УЧУН БАСКЕТБОЛ, ВОЛЕЙБОЛ, МИНИ-ФУТБОЛ, СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МУСОБАҚАЛАРГА ЯКУН ЯСАЛДИ.**




*Олий ўқув юртларида*

## ҚИЗИҚАРЛИ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ

Тошкент Давлат жисмоний тарбия институти, Республика Олимпия захиралари коллежи ҳамда «Динамо» жисмоний тарбия-спорт жамиятининг спортчи ва талабалари тадбирнинг иштирокчилари ва меҳмонлари сифатида ташриф буюришди. Мусобақалар давомида ўз спортчиларини қўллаб-қувватлаш истагида бўлган ишқибозлар ҳам кўпчиликни ташкил этди. Қувонарли томони шундаки, қизлар ҳам ҳар доимгидан кўпроқ спорт мусобақаларида қатнашди ва бу институт спорт кафедрасининг самарали фаолият кўрсатиётганидан далолат беради.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳисоб-китобларига кўра «Органик моддалар ва ёқилғи ишлаб чиқариш технологияси» факультети энг яхши натижаларни кўрсатган ҳолда ректор кубогининг соҳибига айланди. Қолган иштирокчилар эса дипломлар ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лавҳалар.**
**Алексей Попов олган суратлар**



